

**Ўтказилган илмий тадбир тўғрисида**  
**ХИСОБОТ**

1	<b>Илмий тадбир мавзуси</b>	“ТАРИХИЙ ХОТИРА –ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЊНАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ АСОСИ”
2	<b>Илмий тадбир макоми</b>	Республика анжумани
3	<b>Илмий тадбирнинг йўналиши, мақсад ва вазифалари</b>	<p>Йўналиш: Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва маданий ривожланишини ўрганиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва долзарб муаммолари</p> <p>Мақсад: асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлэзма бўлса хам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.</p>
4	<b>Мухокама килинган масалалар</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тарихий хотира- ўзликни англашнинг асосидир.</li> <li>2. Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир.</li> <li>3. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқитиш муаммолари.</li> <li>4. Таракқиёт стратегияси: Тарих ва мањнавий тараққиётни таъминлаш мамлакат мањнавий ҳаётини янги босқичга олиб чиқиш вазифаси.</li> </ol>
5	<b>Илмий тадбир якуни буйича натижалар</b>	Анжуман доирасида республикадаги соҳа мутахассислари, ёш илмий изланувчилар ва Ватанимиз тарихи билан қизиқадиган профессор-ўқитувчиларнинг маъruzalari асосида фикр алмашинди, анжуман якунида илмий-амалий тадқиқот натижалари мухокама қилинди.
6	<b>Жами иштирокчилар сони</b>	55 киши
7	<b>Шундан хорижий иштирокчилар сони</b>	—
8	<b>Махаллий иштирокчилар сони</b>	55 киши
9	<b>Имзоланган меморандум ва шартномалар сони</b>	—
10	<b>Анжуман материаллари тупламида чоп этилган макола ва тезисларнинг умумий сони</b>	83


БМТИ ректори :

“Ижтимоий фанлар кафедраси” мудири:



проф. Н.Р.Баракаев

доц. Э.Х.Зоиров



*“Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиши, хуоса чиқаришига ўргатишимиш, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қороллантишишимиз зарур”*

*Ш.М.Мирзиёев*

### *Мұхтарам*

*Сизни 2022 йил, 7 май куни соат 10<sup>00</sup>да “Тарихний хотира-үзликни англаш ва миллий-маънавий тараққиёт асоси” мавзуудаги Республика миқёсида ўтказыладиган анъанавий илмий-назарий анжуманга иштирок этиши учун тақлиф этамиз.*

*Анжуманнинг 2022 йил, 7 май март куни соат 10<sup>00</sup>дан бошланади.*



Асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варак қулёзма бўлса ҳам, унгари тўплаб, ҳалқимизни, ёшларимизни танишиши, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини инглатиши, фарзандларимизни шу узуг меросга муносаб этиб тарбиялашдан иборат.

Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар кафедраси  
Тарихий хотира-ўзликни англаш вамиллий  
маънавий тараққиёт омили

Мавзусидаги республика илмий-назарий  
Анжуманинг

**ТАКЛИФНОМА ВА ДАСТУРИ**



**БУХОРО - 2022**

1. Кириш сўзи БМТИ ректори проф. Н.Р.Баракаев
2. Вуқуфи адади раҳҳасининг мазмун-моҳияти ф.ф.д., проф. Г.Н.Наврӯзова.

3. Тарих фани методологиясининг долзарб масалалари. Ф.ф.н., доц. Ю.Х.Ҳайдаров

4. XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон ССРда совет зўравонлик тузумининг мустаҳкамланиши. т.ф.н., доц., О.Р.Рашидов

5. Ёшларимизни тарихий билимлар билан қуроллантириш зарурати. Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, доц. Н.У. Нурматова

*Анжуман мавзуси юзасидан  
савол - жавоблар*

## **“Тарихий хотира-ўзликни англаш ва миллий маънавий тараққиёт омили”**

### **МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ**

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги ҳар томонлама ривожланган ёш авлоднинг маънавий камолотига боғлиқ экан, бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ёш авлоднинг таълим-тарбияси муаммоларини тўғри ҳал этишдир. Ёшлар янги давлатчиликнинг шаклланишида, демократик жараёнларни ривожлантиришда ҳал қилувчи кучга айланиши лозим. Ёшларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб шаклланишида тарихнинг ўрни бекиёсdir. Ўз ҳалқи, ватани, миллати тарихини, умуман тарихни билишга қизиқиш ҳар бир инсонга хос жиҳатлардан биридир. Инсон фаолияти учун муҳим бўлган билимни ўз қузатиши ва тажрибалари ҳамда ўзигача яшаб ўтган кишилар тўплаган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш орқали қўлга киритади.

Кишилар ибтидоий даврдан бошлаб ўз фаолиятлари натижаси хисобланган турли хил ижтимоий ҳодисалар моҳияти ва сабабини тушунишга ҳаракат қилишган. Жамият тараққиётини тушунишга уриниш, табиат, жамият воқелигини тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш дастлаб мифологияда ўз аксини топди. Жамият тараққиётининг юқори босқичларида бу муаммолар доираси кенгайиб борган ва шу муаммоларни ўрганувчи маҳсус фан соҳалари вужудга келган. Тарих ҳам мана шулар қаторида, тарихий тараққиёт жараёни, инсоният ўтмишини ўрганувчи ижтимоий фандир. Кишиларнинг ўз ўтмишини билишга қизиқиши, тарихий онг, тарихий хотирани шакллантириш эҳтиёжи тарих фанининг юзага келишига сабаб бўлган. Тарихий хотира маънавиятни шакллантиришнинг омилидир.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган устивор вазифалар ва тавсиялардан, “2020 йилда Бухоро шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши, ҳамда Бухоро вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 майдаги 147-ф-сон фармойиши билан “2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси”дан келиб чиқсан ҳолда “Ижтимоий фанлар” кафедраси ва ўзаро ҳамкорлик доирасида бажарилаётган ишларни амалиёт билан интеграциялаш мақсадида 2022 йилнинг 7-май **“Тарихий хотира-ўзлигимизни англаш ва миллий-маънавий тараққиётимизнинг асоси”** мавзусида республика миқёсидаги илмий-назарий анжуман ўtkazdi. Анжумандаги Ўзбекистоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, магистрлар ва талаба ёшлар иштирок этди

Анжуманни Бухоро мұхандислик-технология институти ректори профессори Н.Р.Баракаев очиб бериб, бутунги кунда юртимиз тарихини ўрганиш долзарб масала эканлиги, юртимизда демократик ислоҳотларнинг олиб борилиши тўғрисида гапириб ўтдилар.

Тадбир давомида профессор Г.Н.Наврўзова “Вуқуфи адади рашҳасининг мазмун-моҳияти” мавзуида, БВХТҲҚЕ ва УМО институти доценти, Ю.Ҳ.Ҳайдаров “Тарих фани методологиясининг долзарб масалалари”; Бухоро давлат университети доценти, Рашидов О.Р. “XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон ССРда совет зўравонлик тузумининг мустаҳкамланиши” мавзуида, БМТИ доценти Нурматова Н “Ёшлишимизни тарихий билимлар билан қуроллантириш зарурати” мавзуларида маъruzалар қилдилар.

Шунингдек, тадбир давомида мустақил тадқиқотчилар, доктарантлар, магистрлар ва бакалавр талабалари ҳам иштирок этиб саволлар бердилар, ҳамда ўзларининг фикрларини айтиб ўтдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек - Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур, - деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун ҳам бой тарихимизни ўрганиш, уни келажак авлодга қолдириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шунинг учун шундай илмий-амалий анжуманлар ўtkазиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Бухоро мұхандислик – технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент Э.Х.Зойиров**